

Эҳтимол, унинг сабабидан сенга ризқ берилаётгандир

18:26 / 15.01.2018 3520

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида ака-ука бор эди. Бири Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (хизматларига) келиб турарди. Иккинчиси касб-ҳунар қилар эди. Ҳунарманд Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга (укасидан) шикоят қилганида, у зот: **«Эҳтимол, унинг сабабидан сенга ризқ берилаётгандир»**, дедилар.

Имом Термизий Муслимнинг шартларига мувофиқ саҳиҳ иснод билан ривоят қилдилар.